

## **«Ижтимоий фанлар» кафедраси ўқитувчиси С.Тўраева**

### **Баркамол авлод тарбиясида маънавий мероснинг аҳамияти**

Маълумки, маънавий-ахлоқий негизлар замирида умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклиги, кишиларнинг маънавий маданиятини шакллантиришга эришиш мақсади ётади. Зеро, шахс тафаккурини ўстирмай, унинг маънавий дунёсини бойитмай туриб, ижтимоий, иқтисодий, маданий жабҳалардаги вазифаларни бажариш, мустақиллик мафкурасини шакллантириш мумкин эмас. Айни чоғда, жамиятимиз ва давлатимиз ўзлигини англаган, ватанпарварлик туйғуси билан миллат, халқ манфаатлари, ижтимоий, меҳнат ва касб-кор кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллаган, руҳан соғлом, жисмонан етук, умуминсоний ва миллий хулқ-атвор нормаларини ўз онги ва фаолиятида мужассам этган маънавий етук инсонни тарбиялаб вояга етказишдан ғоят манфаатдордир.

Бинобарин, у ёки бу миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Маънавий мерос ўтмишнинг ютуғи. Уни тўла, оқилона эгаллаш ва ривожлантириш эса, ҳозирги авлоднинг вазифасидир.

Шунинг учун ҳам “маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади”.